

## ТРАНСПОРТ ҲАРАКАТИ ВА УНДАН ФойДАЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ

*Қорақалпоқ давлат университети Юридика факултети*

**С.Бердибаев**

**Шамшетова З**

**Аннотация:** Ушбу мақолада, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Транспорт ҳаракат ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар тушунчаси ҳамда турлари юридик таҳлил қилинган.

**Kalit soʻz:** *Транспорт ҳаракати, йўл ҳаракати, самовий ҳудуд, қонунга хилоф, темир йўл, фойдаланиш хавфсизлигини бузиш, жиноят, жиноий жавобгарлик.*

Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик Жиноят кодексининг 260—269-моддалари диспозициясида кўрсатилган:

1. Темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш (ЎзР ЖК 260-моддаси).

2. Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш (ЎзР ЖК 260<sup>1</sup>-моддаси)

3. Маст ҳолдаги шахснинг транспортвоситасини бошқаришига йўл қўйиш (ЎзР ЖК 261-моддаси).

4. Транспортни таъмирлаш ёки уни фойдаланишга чиқариш қоидаларини бузиш (ЎзР ЖК 262-моддаси).

5. Темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспортвоситаси ёки алоқа йўлларини яроқсиз ҳолатга келтириш (ЎзР ЖК 263-моддаси).

6. Ҳаво кемасидан фойдаланиш вақтида лазер нурини йўналтириш орқали халақит бериш (ЎзР ЖК 263<sup>1</sup>-моддаси).

7. Темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш (ЎзР ЖК 264-моддаси).

8. Халқаро учиш қоидаларини бузиш (ЖК 265-моддаси).

9. Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш (ЖК 266-моддаси).

10. Транспорт воситасини олиб қочиш (ЖК 267-моддаси).

11. Транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қоидаларни бузиш (ЖК 268-моддаси).

12. Автомобиль йўлларида фойдаланиш ва уларни қўриқлаш қоидаларини бузиш (ЖК 269-моддаси).

Жиноят кодексининг 260—263<sup>1</sup>, 266, 268-269-моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг муқаррар аломати, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан

фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши натижасида баданга ўта оғир ёки оғир шикаст етказилиши, одамларнинг ҳалок бўлиши, ҳалокатлар юз бериши ёхуд бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишидир<sup>59</sup>.

«Одамлар ўлими» деганда, содир бўлган транспорт ҳодисаси оқибаотида икки ёки ундан ортиқ одамларнинг ҳалок бўлиши;

«ҳалокат» деганда, шундай ҳодиса туфайли атроф муҳитга, инсонларнинг соғлиғи ва ҳаёти учун хавфли бўлган жиддий зиён етказилиши, инсонларнинг ҳалок бўлишига сабабчи бўлган темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортларининг, шунингдек кўпчиликни ташишга мўлжалланган жамоат транспортлари (автобус, троллейбус ва шу сингарилар)нинг авария бўлиши;

«бошқа оғир оқибатлар» деганда эса, йўл-транспорт ҳодисаси натижасида одам ўлиши билан биргаликда яна бир қанча кишиларнинг оғир тан жароҳатлари олишлари, поезд, кема ёки самолётлар ҳаракати тизимининг узоқ муддатга издан чиқиши, ташиладиган юкларга жуда кўп миқдорда зиён етказилиши, атрофдаги уй-жой ва бошқа иншоотларнинг бузилиши, (портлаши, ёниб кетиши, вайрон бўлиши) билан боғлиқ жуда кўп миқдорда зиён етказилиши каби ҳолатлар тушунилади. (Шунингдек, судлар, ҳар бир аниқ иш ҳолати бўйича алоҳида ёндашиб, муайян вазиятни атрофлича ўрганиб, содир этилган жиноий қилмиш натижасини оғир оқибат сифатида ҳуқуқий баҳолашлари мумкин. Бунда теран мулоҳаза ва кенг мушоҳадага таяниб иш кўрмоқ зарур).

Айбдорнинг транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши қаратилган жиноий ҳаракатлари натижасида ЖКнинг айна бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноят аломатлари юз берган бўлса, қилмиш ЖКнинг 33-моддаси талаби асосида шу модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми билан квалификация қилинади.

Шу билан биргаликда, ушбу жиноятлар қонунда кўрсатилган оқибатлар келиб чиқиши билан тамомланган деб ҳисобланиши назарда тутилиб, турли вақтда содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари алоҳида-алоҳида квалификация қилиниши лозим.

Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиб транспорт ҳодисаси рўй беришига сабабчи бўлган шахснинг қилмиши шу ҳодиса туфайли ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган ва ўзини-ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган жабрланувчига ёрдам кўрсатмаслиги, жиноятлар мажмуи тариқасида қўшимча равишда ЖКнинг 117-моддаси тегишли қисми билан ҳам квалификация қилинишини талаб этади.

Шахс йўл-транспорт ҳодисаси рўй беришида транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузмаган ҳолда ҳам жабрланувчининг ҳаётини хавф остида қолдириб ҳайдовчилик мажбуриятини бажармасдан ҳодиса рўй

---

<sup>59</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуминингнинг 2015-йил 26-июльдаги 10-сонли "Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида" қарори.

берган жойдан кетиб қолиши ёки ҳаёти хавф остида қолган ўзини-ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган шахсга, ҳодиса жойида ҳозир бўлган бошқа одамлар ёрдам бериши мумкин, деб ўйлаб жабрланувчига ёрдам бермасдан кетиб қолиши, уни ЖКнинг [117-моддасида](#) назарда тутилган жазодан озод қилиш учун асос бўлмайди.

Башарти, йўл-транспорт ҳодисаси рўй бериши оқибатида жабрланувчининг ҳаёти учун хавфли бўлмаган соғлиғининг бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати етказилса, ёки жабрланувчининг ўлими бевосита йўл-транспорт ҳодисаси рўй берган вақтда юз берганлиги аниқ кўриниб турган бўлса, ёхуд шахснинг жабрланувчига ёрдам бериши шарт бўлса-да, бироқ, унинг ўзининг ҳаёти ёки соғлиғи учун ҳам яққол хавф туғилган бўлса, яъни ёрдам бериш имкониятига мутлақо эга бўлмаса, ЖКнинг [117-моддаси](#) татбиқ этилмайди.

Шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятини ҳарбий транспорт воситаларида йўлларда ҳаркатланиш қоидаларини бузиш жиноятидан фарқламоқ лозим. Ҳарбий транспорт воситалари ёки махсус ўзиюрар жанговар машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган тақдирда, қилмиш ЖКнинг [298-моддаси](#) билан квалификация қилиниши лозим. Агар, ҳарбий хизматчи ҳарбийлаштирилмаган транспорт воситасида йўлларда ҳаркатланиш қоидаларини бузиши оқибатида йўл-транспорт ҳодисаси содир этса ёки фуқаро ҳарбийлаштирилган машинада йўлларда ҳаркатланиш қоидаларини бузиши оқибатида йўл-транспорт ҳодисаси содир этса, бу қилмиш ЖКнинг [266-моддаси](#) билан квалификация қилиниши лозим бўлади.

ЖКнинг [260-моддасида](#) кўзда тутилган темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг бошқарувчиси, деганда фаолияти транспортни хавфсиз ҳаракатланишини ташкиллаштириш билан боғлиқ ходимлар (масалан, ҳаво транспортда ташкилотнинг ҳаракат хизмати, ҳаво ҳаракатини бошқариш маркази, ишлаб чиқариш диспетчерлик хизмати, катта диспетчер ва диспетчерлари, аэропорт штурмани, катта штурмани, учиш раҳбари) ва унинг ҳаракати ёки фойдаланиши билан боғлиқ ходимлар (учувчи капитан, штурман, машинист ва унинг ёрдамчиси, механик ва унинг ёрдамчиси, радиооператор, радист, шкипер ва ҳоказо) тушунилади.

Хизмат юзасидан қарам бўлган шахс маст ҳолдаги масъул бошлиқларга транспорт воситаларини бошқаришга рухсат бериши жиноий жавобгарликдан озод этмайди. Буни суд жазо тайинлашда эътиборга олиши мумкин. Ушбу жиноятнинг субъекти шахсий транспорт воситаларининг эгалари, шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг транспорт воситалари ҳайдовчилари бўлиши мумкин.

Башарти, транспорт воситаси учун масъул шахс хизмат вазифасини бажариш вақтида ёки давлат автомобиль назорати ходимлари ва уларнинг бошлиқлари ҳайдовчини транспорт воситасини бошқаришдан четлатган бўлса, бундай ҳолатда ЖКнинг [261-моддаси](#) билан жавобгар қилиниши мумкин эмас.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни. //www.lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуминингнинг 2015-йил 26-июльдаги 10-сонли "Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида" қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 2022-йил 4-апрельдаги ПҚ-190-сонли қарори "Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"
4. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар.— Т.: ИLM ZIYO, 2021.—2224
5. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси 5 Т. 1-2 том.— Т.: ИLM ZIYO, 2010.
6. Rustamboev M.X Ji'neyat huquqi (Uli'wma bo'lim). Joqari' woqi'w wori'nlari' ushi'n sabaqli'q. No'kis "Bilim" 2008. -516 bet.